

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида

бирларини амалга ошириш лозим. Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ҳамда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ушбу соҳадаги халқро-хуқуқий ҳужжатларни, ўлим жазосини бекор қилган ва ўлим жазоси ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши мўҳим вазифа ҳисобланади.

касида 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинсин ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларнинг жазолари ижро этилишини ташкил қилиш тажрибасига эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқишни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириши мўҳим вазифа ҳисобланади.

тизимдан чиқариб ташлаш ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштиришга алоқадор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласинлар, бунда тўғридан-тўғри назарда тутинарлар: хозирги вақтда ўлим жазоси тайинлашга йўл қўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишнинг аниқ муддатларини белгилаш ва асослаш; бундай жиноятлар учун жазо тайинлаш, озодликдан маҳрум этиш муддатларини ҳисоблаш тартиби, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий этиладиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари.

тайёрлаш чоралари, шунингдек ушбу муассасаларни молиялаштириш тартиби, уларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилсин. 4. Адлия вазирлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан биргаликда ўлим жазосини бекор қилиш масаласи бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин. 5. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси муҳокамасига киритилсин. 6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 2005 йил 1 август.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Август – пахтачиликда ҳал қилувчи ой

Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмасининг мамлакатимизнинг барча фермерларига МУРОЖААТНОМАСИ

Бунинг учун нималарга эътибор бериш керак? Суяги пахтачиликда қотган деҳқонларнинг, ётуқ олимлар ва тажрибали, мутахассисларнинг фикрича, август ойида бир қатор тадбирларни ижро қилиш билан амалга оширишимиз лозим. Азиз фермерлар! «Пахта-ни темир пиширади» деган иборани Сиз топиб айтгансиз. Бу, албатта, техника имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурлигига ишора. Август ойида ўтказилган сифатли култивация тупроқ намлигини сақлайди, қатор оралари қуриб, ёрилиб кетишининг олди олинади. Натижада гўзанинг майда томирлари узиламайди, ҳосил тўқилмайди. Ой бошида ҳар тунда ўртача 4-5 та кўсақ ҳосил бўлса, ой давомида яна 6-7 та кўсақ ҳосил бўлади. 10 сентябрь ҳолатига жами 10-12 та бўлиқ кўсақ тўланади. Гўза қатор ораларига вақтида, сифатли ишлов бериш натижасида гулнинг кўсақка айланиши 1-1,8 кунга, кўсақнинг пахта бўлиб очилиши 6-7 кунга тезлашади. Гўза қатор ораларига ишлов берилиши ҳосилга ҳар бир кўсақнинг вази 0,25-0,40 грамм ошадди ёки ҳар бир

гектар ҳисобига 2,5-4 центнер ҳосил қўшилиди. Чеканкини сифатли ўтказиш пахтачиликдаги энг мўҳим тадбир эканлигини Сиз яхши биласиз. Сифатли чеканка таъсирида ҳосил элементлари тўқилмайди, гулнинг кўсақка айланиши тезлашади, кўсақларнинг вази вази кўшилади. Ҳосилнинг интенсив осилишига имкон туғилади. Сифатли ва ўз муддатда ўтказилган чеканка ҳисобига ҳар бир гектар гўза майдонларида ҳосилдорлик 3-4 центнерга ошадди. Сув – зар, сувчи – заргар. Бор сувчилик маҳоратининг намойиши эътиборда вақт келди. Август ойида ўтказилган шарбат билан сўғориш ҳисобига гўзадаги мавжуд кўсақлар салмоқли бўлиб етилади, гул ва кўсақлар тўқилмайди. Етилиб пилган кўсақларнинг очилиши тезлашади, чигитнинг тўлиқ бўлиб, мейдорлиги ортади, тола сифати яхшиланади. Сифатсиз, яъни чала ёки қўллатилган сўғориш ҳосилнинг тўқилишига, кўсақларнинг гозис бўлиб, бевақо очилишига, ҳосил вази йўқотилишига олиб келади. Қўллатилган сўғориш майдонларида гўза қайтадан кўк олиб, ҳосил салмоқини йўқотади. Август ойида 2 марта ўтказилган сўғориш ҳисоби-

га ҳар гектарда ҳосилдорлик 3-5 центнер қўляди. Мавжуд ҳосилни турли зараркундалардан сақлаш мўҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Август ойида кўсақ қурти янги авлодининг туҳумига қарши трихограммани 3 марта, ўрта ва катта ёшдаги қуртларга қарши гектарига 1000 донадан 2 марта бракон қўйиб яхши самара беради. Кўсақ қурти капалагининг учини вақтини аниқлаш учун ҳар 2 гектарга биттадан феромон тутиқини рақамлаб қўйиб ва ҳар кун назорат қилиб бориш зарур. Уларга тушган капалак сонига қараб, тегишли тадбирларни ўтказиш лозим. Феромон тутиқинларини кўндузи олиб қўйиб, кечки пайтлари ўрнатиб, елимларини 3 кунда ва капсүлларини 7 кунда алмаштиришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ургимчакана пайдо бўлмаслиги ва кўпайиб кетмаслиги учун қаттиқ назорат ўрнатиш лозим. Ҳар 50 гектарга биттадан назоратчи белгилаб, бу зараркунданнинг ёппасига кўпайиб кетмаслиги учун улар пайдо бўла бошлаган майдонларни аниқлаб, профилактик ишловлар ўтказиш зарур. Ургимчаканга қарши ИСО препарати билан ишлов бериш ва унинг самарасини на-

зоратга олиш керак. Тадқиқотлар шунини кўрсатадики, гўзанинг зараркундаларига қарши кураш ишларини ўз вақтида олиб борилиши натижасида ҳар бир гектарда 3-4 центнер ҳосил сақлаб қолинади. Азиз фермерлар! Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жаҳалларида, тусуслон, кишлоқ хўжалигида ҳар бир гектарда 3-4 центнер ҳосил олиш керак. Қўшиқдаги «Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун» ибораси ҳар биримизнинг кундалик ширимизга айланиб қолсин. Меҳнатимиз, эришган заволири натижаларимиз, яратадиган улкан хиромияларимиз сукули она-Ватанга – Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, ўзбек халқининг ҳеч қачон ҳеч қанга қарам бўлмаслиги ва мамлакатимизнинг буюк келажигини таъминлашга хизмат қилувсин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига мувофиқ 1 августдан пойтахтимиз туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси очилди. Мамаклатимиз мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланган бундай тадбирлар нафақат Тошкент шаҳри, балки Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳам ташкил этилди. Мазкур аънанавий ярмарка бу йил ҳар қанчондан кўп – қирқ кун – 10 сентябргача давом этади. Бу юртдошларимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эътиборини янада тўлароқ қондириш имконини беради. Яна бир янгилик – илгари бундай савдо пойтахтимиз туманларининг фақат бир жойида ўтказилган бўлса, бу йил қўшимча ўттиз бешта ярмарка иш юритмоқда. Шу тариха пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонлари жами 46 та савдо ярмаркасида қартоқча, олма, узум, қовун-тарвуз, гўшт, асал, туҳум каби ўнлаб турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозордагидан анча арзон нархларда харид қилмоқдалар.

Олима НОРБЕКОВА, ЎЗА мухбири.

БОЖХОНА ПОСТЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР

2005 йил охирига қадар Ўзбекистоннинг ўн бир божхона мажмуи ва постларига радиацион назорат мониторингори ишлатилди. Аини пайтда Америка томонидан етказиб берилган умумий қиймати қарийб икки миллион АҚШ долларига тенг жиҳозлар фойдаланишига топширилди. Давлат божхона қўмитасидан маълум қилинишича, мазкур жиҳозлар АҚШ мудофаа вазирлиги томонидан бегараз ёрдам тарихида берилган. 2006 йилнинг охирига қадар республикадаги ўттиздан ортиқ энг йирик божхона мажмуи ва постларининг радиацион назорат мониторингори билан таъминланиши режалаштирилмоқда. Шунингдек, миллий божхона хизматини техник жиҳатдан замонавийлаштириш доирасида Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими (ЕАИС)ни жорий этиш мўжлашган. Унинг асосий вазифаси йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ахборот бериш технология жараёнини комплекс автоматлаштиришни таъминлашдан иборат.

«Туркистан-пресс».

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ

башқармаси билан ҳамкорликда бу борада қандайдир қандам иш олиб бормоқда. Аёлларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса, кишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқиш шартларини яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган бизнес-клуб, учрашув ва тренингларнинг таъсири ҳам катта бўлаётганлиги шубҳасиз. Бугунги кунда вилоятнинг тадбиркор аёллари чет давлатларда ўтказилаётган анжуманларда ҳам муваффақиятли қатнашишляпти. Улар Миср, Туркия, Исроил, Америка Қўшма Штатларида ўз малакаларини ошириб келишляптгани, халқаро конференцияларда иштирок этиши бугунги ўзбек аёлнинг юксак камолотидан дарак эмасми? Уларнинг тадбиркорлик салоҳиятларини намойиш этиб, вилоят, республика миқёсида ўтаётган кўриктанловларда муваффақият қозонаётган Охангарон туманидаги «Гулчехра» фермер хўжалиги раиси Гулчехра Пўлатова, Янгийўл туманидаги «Махлиб плюс» хусусий фирмаси раҳбари Наргиза Жамолова каби аёлларнинг юртимизда кадр топаётганлиги аини ҳақиқат. Тадбиркорларни эмин-эркин фаолият юритишга жалб қилишда вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор шаҳар ва туманларда, жумладан Ангрэн, Олмалик, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарларида, Янгийўл, Зангиота, Оқдўрғон, Қуйчиқирчиқ, Оқдўрғон, Тошкент туманларида хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш маъмуларини ҳал этиш бўйича ҳаракат дастурининг тузилганлиги ҳам аини мўддао бўлди. Шу ўринда яна бир гап: аёл энг аввало она, у оиланинг соғломлиги, барқарорлигига кафилир. Шунинг учун мамлакатимизда аёллар саломатлигига бўлган эътибор катта. Ўзбекистон Республикасининг Базирилар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тибиий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

ЭЗГУЛИК ҚУЁШИ СЎНМАГАЙ

лиги раиси Гулчехра Пўлатова, Янгийўл туманидаги «Махлиб плюс» хусусий фирмаси раҳбари Наргиза Жамолова каби аёлларнинг юртимизда кадр топаётганлиги аини ҳақиқат. Тадбиркорларни эмин-эркин фаолият юритишга жалб қилишда вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор шаҳар ва туманларда, жумладан Ангрэн, Олмалик, Янгийўл, Чирчиқ шаҳарларида, Янгийўл, Зангиота, Оқдўрғон, Қуйчиқирчиқ, Оқдўрғон, Тошкент туманларида хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш маъмуларини ҳал этиш бўйича ҳаракат дастурининг тузилганлиги ҳам аини мўддао бўлди. Шу ўринда яна бир гап: аёл энг аввало она, у оиланинг соғломлиги, барқарорлигига кафилир. Шунинг учун мамлакатимизда аёллар саломатлигига бўлган эътибор катта. Ўзбекистон Республикасининг Базирилар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги «Оилада тибиий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишлари

рени амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2003 йил 25 августдаги «Никоҳланувчи ёшларни тибиий кўриқдан ўтказиш низоми-ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларининг бажарилиши қатъий назорат остида. Зеро, бу ҳужжатларда хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва умуман, оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бугунги кунда вилоятда иккита репродуктив саломатлик маркази, 20 та туғруқ мажмуиси, 257 та аёллар маслаҳатхоналари, 174 та қишлоқ врачлик пунктлари ишлаб турибди. 433 акушер-гинеколог, 796 акушер-педиатр аёллар саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Соғлом турмуш тарзи – баркамоллик омилли. Шу маънода «Отам, онам ва мен» шираси остида ўтказилаётган маориф – «Оила» – фаҳрим, «Оила – муқаддас», «Оилада отанинг ўрни» каби тадбирлар, «Баркамол авлод» спорт мусобақалари аёллар, ёшлар саломатлигини тиклашда мўҳим омил бўлмоқда. Вилоятимиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

да батафсил жавоб олишди.

«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги учрашув ва суҳбатлар ҳам ниҳоятда фойдали кечди. Касаба фаоллари 2-пўлат эритиш цехида бўлиб, узлуксиз ишлаб чиқариш жараёни, иш жойларининг санитария-гигиена ҳолатлари, металлургия учун соғлом меҳнат шартини яратиш бо-

ДАСТЛАБКИ КЎРИК ЧИРЧИҚДА ЎТДИ

кетган эди. Бугунги кунда биз бу қардорликларни деярли бартавра эдик. Ишчи-ишхоначилар кейинги йиллари маошларини илк марта ойма-ой олиб туришди. Бу ютуқларга қаттиқ ички интизом, маҳсулот ҳисоб-китобини яхшилаш орқали эришилганлиги учрашувлар чоғида алоҳида таъкидланди. Март ойидан буён ишлаб чиқариш ҳажми ошди, яна 400 киши ишга қабул қилинди. Шу кунларда жамоада 1700 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Мазмурлар, касаба қўмитаси улар учун кулчиқабат маънавий шартини яхшилатиш чораларини кўрмоқда. Ишчилар охиносини булун ҳашаматли ресторани эслатади. Чанг ушлагичларини ишга тушириш, умуман, экологик муҳитнинг соғломлашиб боришига имкон очаяпти. Корхона ойма-ой 49-50 минг тонна ниҳоятда сифатли цемент, бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқараяпти. «Профлакторийни очиниши ўйла-апизми?», «Цементчиларни махсус иш кийимлари, яқма муҳофаза воситалари билан таъминлашнинг аҳоли қандай?» Урашув давомида вилоят касаба фаоллари ўзларини қизиқтирган шу ва бошқа саволлар-

да бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақалари нафақат мамлакатимизда, балки қўшни республикаларда ҳам катта қизиқни уюғтди. Айниқса, иккитдорли қизларни рағбатлантириш мақсадида Президентининг Фармони билан Зулфия номидаги давлат мукофотининг таъсис этилганлиги кўпга иккитдор соҳибларининг кашф этилишига туртки бераётди. Вилоятимиз қизларидан Рухсора Тўлабоева, Мастура Умирова, Екатерина Аблаева, Дилноза Турғунбоева, Шахноза Шожалилова, София Бермагамбетова ана шундай юксак давлат мукофотига сазовор бўлишди. Хуллас, хотин-қизларнинг оила, мажмуатдаги ўрни муттаасил хамиятлашиб бораётди. Ўзбекистон мустақиллигининг ўн тўрт йиллик байрами арафасида жамиятнинг асосий характерлантириш кучига айланган аёлларимизнинг элурт олдида мактеби, орбу-эътибори, таъсири ўсиб, уларнинг тинч-товуш, фаровон турмуши маддабчилари эканликлари фахр билан эътироф этилмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА.

Чирчиқдаги «Электримёнасоат» очик акциядорлик жамияти касаба қўмитасининг раиси Бахтиёр Абдуллаев: — Ҳар икки корхона касаба ташкилоти бозор муносабатларига ўтиш жараёнида ҳам меҳнат жамоасининг ҳаётида ўз ўрнини топиб олганлиги ниҳоятда ибратли. Ишчи-хизматчилар учун яратилган ишлаб чиқариш-молиявий шартинлар бизда катта қизиқни уюғтди. Ўзбекистон автомобилли, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакили Баҳодир Жўрабоев: — Бозор иқтисодиёти шартинида касаба ташкилотлари нималар қила олишига шубҳа билан қаровчилар ҳамон йўқ эмас. Холбуки, касаба ташкилоти ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимояловчи ягона таъсирчан ташкилотдир. Икки йирик корхонадаги ишлар билан танишиб, биз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Кўча семинар натижаларига «Автомагистрал» бирлашмаси ва «Янги Ангрэн» иссиқлик электр станцияси касаба қўмиталарининг раислари Хикматилла Хайдаров билан Ирода Мадорова ҳам шундай юқори баҳо беришди. — Бу учрашув ва суҳбатлар мустақиллик кунин арафасида касаба ташкилотларнинг меҳнат жамоаси ҳаёти, умуман, ижтимоий-иқтисодий охлоқотлар жараёнидаги ўрни ва ролига бир назар ташлаб, ишларимизни яна ҳам фаоллаштириш имкониятларини аниқлаб олишга кўмаклашмоқда, — деди суҳбатларга якун ясаб, вилоят касаба кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова. — Шубҳасиз, ҳар бир иштироки ўз иш тутумини янги бир тажриба, ибратли иш усули билан бойитди.

Жўра САБДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Абитуриент — 2005 ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ!

дагика институтида ҳам тест синовлари абитуриентлар учун жуда ҳаяжонли ўтди. Институт қабул комиссиясининг масъул котиби Рустам Турғунбоев шундай деди: — Бу йил жами 6101 нафар абитуриент ҳужжат топширди. Тест синовларида эса, 6065 абитуриент қатнашди. 30 киши иқодий имтиҳон топширган бўлса, 5 нафар абитуриент олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда қабул бўйича давлат комиссиясининг қарорига мувофиқ ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинди. Институтда талабалар 18 та йўналиш бўйича таҳсил оладилар. Бу йил бошлангич таълимнинг махсус сиртки бўлимига ҳамда таъсирли санъат ва муҳандислик бўйича кўпроқ ҳужжат топширилган. Умуман олганда, ҳар ўринга ўртача 4,4 кишидан тўғри келади.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

Яқинда Охангарон шаҳар ва Охангарон тумани ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби билан ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Унда фахрийларимиз ўзларининг самарали меҳнатлари ҳақида беш ҳодима билан дилдан суҳбат қуришди. Бундай маърифат соатларига сифатсизносилар, иқтисодчилар, шунингдек, дин намойндаларининг тақлиф этилиши шахсий таркиб ўртасида тарих, ўғлимиз, инсон, диният, оқибат, саломатлиқни қўдралш каби тушунарли таркиб қилишда катта аҳамият касб этапти.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар божқармаси матбуот гуруҳининг катта инспектори.

ЭЪЗОЗ

ФАҲРИЙЛАР ИЗЗАТДА

Тошкент вилояти ички ишлар идораларида хизмат қилган 7 мингдан зиёд фахрий эъдиликда кексалик гаштини сўраётди. Байрам арафасида пенсия таъминоти бўлими ходимларининг ҳар бир пенсионер ҳолидан хабар олиб туриши ва соғва-саломлар тақдим этиши яхши аънанга айланган. Аксарият фахрийларимиз вилоят ички ишлар идоралари ходимлари билан доимий алоқада бўлиб, кўпгина хайри ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Масалан, устоз ва шогирдлик ҳаракати вилоят ички ишлар божқармасида яхши йўлга қўйилган. Меҳнат фахрийларининг устоз-мураббийлар билан ёш, тажрибасиз ходимларнинг учрашувлари нафақат ҳаёт, тажриба сабоғи, балки матонат, сабр-тоқат, ҳалоллик ва фидоийликка етакловчи ўзига хос мактаб бўлиб қолди. Сихат-саломатлик йилида божқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби фахрийларга янада эътиборли бўлмоқда. Пенсия-нер ва негиронларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тибиий, санаторий-курорт ва маънавий хизмат кўрсатишни яқши-лаш, уларнинг соғлом ҳаёт кел-чирилари учун зарур шартинлар ишлаб амалга оширилмоқда. Божқарма полициячилари фахрийларга саварали ва сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Шу йилнинг ўрта орти ойда 1050 нафар пенсионер профилактик кўриқдан ўтказилди. Аксарият нафақадорларнинг уйларида бо-риб хизмат кўрсатилди. Фахрийлардан 44 нафари тулли сихат-хўрларда саломатликларини тик-лаб қайтган бўлсалар, 81 нафари марказий илдорвий шифо-хонада даволанди, шулардан 29 нафарига божқарма тибиёт маскани ҳисобидан дори-дар-монлар ажратилди.

Машаққатли меҳнатнинг роҳатини сўраётган фахрийларимиз ички ишлар идоралари ҳаётида юз бераётган жараёнлардан узилиб қолмаётганлиги йўқ. Аксинча, ўзларининг бой тажриба, билимлари, йиллаб орттирган касбий маҳоратларини ишларга ўргатиб келмоқдалар. Ички ишлар вазирлиги фахрийларни ижтимоий қўллаб-қув-ватлаш марказининг раиси, истеъфодаги генерал-майор Годур Раҳимов ва полковниклар Тоҳир Маҳкамов, Шавкат Мазилтединов, Анвар Мадаминов ва бош-қалар беш ҳодимларга касб сир-ларини ағзаллаш бўйича фойда-ли маслаҳатлар бермоқдалар. Яқинда Охангарон шаҳар ва Охангарон тумани ички ишлар бўлимининг шахсий таркиби билан ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Унда фахрийларимиз ўзларининг самарали меҳнатлари ҳақида беш ҳодима билан дилдан суҳбат қуришди. Бундай маърифат соатларига сифатсизносилар, иқтисодчилар, шунингдек, дин намойндаларининг тақлиф этилиши шахсий таркиб ўртасида тарих, ўғлимиз, инсон, диният, оқибат, саломатлиқни қўдралш каби тушунарли таркиб қилишда катта аҳамият касб этапти.

СУВНИНГ ҲАҚИНИ КИМ ТЎЛАЙДИ?

Паркент тумани сервус минтақалар сирасига кирди. Чоқол тоғ тизмаларидан бошланадиган чашма сувларидан ҳосил бўлган сойлар туманга оби-ҳаёт етказиб беради. Шундай бўлишига қарамай бу ерда аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлашда муаммолар йўқ эмас.

Аҳоли сонининг кўпайиб бориши, сув қувурларининг эскирганлиги, улардан фойдаланишнинг техник муддатлари аллақачон ўтиб кетганлиги, тез-тез ёришиб туриши, экинчиликларни сугориш ишларининг авж олиши ва бошқа сабаблар шунга олиб келмоқда. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш вазифаси зиммасига юклатилган туман «Сувоқава» ишлаб чиқариш бирлашмаси уни тежаб-тергаб фойдаланиш, ортқича исроф бўлмаглиги учун зарур чоралар кўрмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, бир кунда ҳар бир инсон 70 литр сув билан таъминланиши керак. Туманда истиқомат қилаётган аҳоли сони эса 115 минг кишига етган. Бунинг учун бир кунда 21-22 минг куб метр оби-ҳаёт истеъмолчиларга етказилиши лозим. Бунинг ундайдан қийин мушкул бўлиб қолаётгани учун ичимлик сувини минтақаларга етказиб бериш жадвал асосида олиб борилмоқда. Уларнинг ҳар бири куннинг маълум вақтларида таъминланмоқда. Туманда 19 минг 710 та хонадон бўлиб, уларнинг фақат 2725 тасида сув жўмрақлари бор. Ҳисарак қишлоғининг бир қисми, «Чан-

ги», «Заркент», «Сўқоқ», «Паркент» ва «Номданак» ширкат ҳўжаликлари аҳолиси шу ҳўжаликлар ҳисобидида сувдан таъминланади. 3142 та хонадонга эса марказлашган ҳолда оби-ҳаёт етказиб берилмоқда. Сув ўлчагичлар ҳам оби-ҳаётни тежашга олиб келувчи омиллардан биридир. Лекин уларни ўрнатиб жараёни туманда кўнгилдайдек борапти, деб бўлмайди. Утган йили бундай мосламаларнинг 246 таси қўйилган эди. Жорий йилда эса яна 281 та шундай анжомларни ишга тушириш режалаштирилган. Бирок ўтган олти ойда бор-йўғи 76 та сув ҳисоблагичлар ўрнатилди. Бундай хонадонларнинг умумий сони 547 тага етди, холос.

Ичимлик суви тармоқларининг 93 километрнидаги турли диаметрдаги қувурлари янгилари билан алмаштирилиши лозим. Бунинг учун зарур сармоғи эса ҳозирча йўқ. Унинг аксарият қисмини истеъмолчиларнинг сув учун тўлайдиган ҳақлари ташкил этади. Аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларнинг ҳаммаси ҳам уни ўз вақтида тўлашмапти. Уларнинг қарздорлиги деярли камаймапти. — Ҳозирги вақтда ҳар ойда микозлардан, асосан аҳолидан


тушаётган хизмат ҳақи ўртача 6 миллион 600 минг сўми ташкил этмоқда, — дейди бирлашма раҳбари Саъдулла Алматов. — Айрим хонадонлар, улгуржи мижозлар сув ҳақини тўлашни пайсалга солмоқдалар. Бу ҳақни ўндириш учун фуқаролик судига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдамиз. Бирлашма жамоаси шу йўл билан жорий йилнинг ўтган биринчи ярмида 80 та хонадонга нисбатан чора кўрди. Натижанда 60 та хонадондан

1 миллион 432 минг 621 сўм ўндириб олинди. Тумандаги 42 та ҳўжалик-ташкilotларнинг айримлари ҳам истеъмол қилинган оби-ҳаёт пулини тўлашни ортага сураётдилар. Уларнинг жами қарзи 5 миллион сўмдан ошиб кетган. Биргина «Паркентшароб» корхонаси «Сувоқава»дан 1 миллион 760 минг сўмдан кўпроқ қарз. «Ҳисарак» ширкат ҳўжалигининг қарзи эса 447,2 минг сўми ташкил этади. 5-механизациялашган кўча колонна эса

Бугуннинг гапи

корхонадан анчагина қарага ботган, уни узишни эса ҳамон пайсалга солмоқда. Маблағнинг етишмаслиги эса аҳоли ва улгуржи мижозларни сув билан бекаму кўст таъминлашга тўсиқ бўлапти. Маблағ бўлсагина ичимлик сув тармоқларининг эскирган қисмларини янги қувурлар билан алмаштириш имкони тўғилади. СУРАТДА: пайвандчи Кўчқор Толипов (чапдан), уста Олим Хайитов ва чилангар Баҳром Жўраевлар шу юзасидан суҳбатлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



МАКТАБ ЯРМАРКАЛАРИ

2005-2006 ўқув йилида мактаб ўқувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабаларини барча зарур ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида жойларда аънавий мактаб бозорлари ва ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Улар «Ўзбекбирлашув», «Қорақалпоқтўтинув» ҳамда вилоятлардаги «Матлубот-савдо» акциядорлик компаниялари ҳамкорлигида 10 сентябрга қадар давом этади. — Жойлардаги ўқувчи ва талабалар сони, уларга керакли ўқув қуроли, кийим-бош ҳамда пойабзалларга бўлган талаб ва эҳтиёж урганиди, — дейди «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи Ҳолиқнон Қамбаров. — Тизиминида фаолият олиб бораётган савдо тармоқлари ва омборхоналарда 19 турдаги арзон ва сифатли маҳсулотлар захира си жамаалган. Айтиш жоизки, уларнинг асосий қисми мамлакатимизда ишлаб чиқаришган.

Маълумотларга кўра, аҳоли гавжум жойларда 450 та мактаб бозори ва ярмаркалари, 500 дан ортқ дўконда ана шундай бўимлар фаолият бошламоқда. Бундан ташқари, олис ва чечка аҳоли яшаш жойларида автодўконлар ёрдамида савдо-сотқ уюштириш ҳам режалаштирилган. Х. САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

ЛИЗИНГДА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Халқаро Молия Корпорациясининг таҳлилига кўра, Ўзбекистондаги 28 та лизинг компаниялари ва банклар томонидан ўтказилган лизинг операцияларида «Ўзқишлоқхўжалик-машинизинг» компаниясининг улуши 64,3 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Биргина жорий йилнинг ўтган даврида компания ва техника ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида 30,5 миллиард сўмлик олди-соти

ди шартномалари тузилган. Бу 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 121 фоиз, яъни 25,2 миллиардга кўп демандир.

«Ўзқишлоқхўжалик» компанияси тизимидида заводлардан 27,3 миллиард сўмлик тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олинди, 24,9 миллиард сўмлик трактор ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникалари лизингга етказиб берилган.

Компания қишлоқ хўжалиги корхоналарига янада имтиёзлироқ лизинг хизматини таклиф этиш мақсадида лизингга бериладиган тракторлар учун маржа фоизини 12 дан 8 фоизга пасайтирди. Шунингдек, лизингга берилган тракторларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат номери белгисини олишни ташкил этиш масаласида ҳам яна бир қулайлик яратилди. «Туркистон-пресс».

КҮН ТАРТИБИДА:

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК МУАММОЛАРИ

Пойтахтда «Марказий Осиёда қишлоқ хўжалик савдо-сотқ сибсати» мавзуда халқаро анжуман ўтказилди. Халқаро қишлоқ хўжалик тадқиқотлари бўйича консултация гуруҳи (CGIR), қуруқ минтақаларда қишлоқ хўжалик тадқиқотлари олиб бориш бўйича халқаро марказ (ICARDA) ва IFPRI ташкилотлари томонидан ташкил этилган анжуманда аграр соҳадаги ҳамкорликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинди.


Кенгаш ишида Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон мамлакатларининг қишлоқ хўжалик бўйича мутахассислари ҳамда Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, Япон Халқаро Ҳамкорлик агентлиги (JICA) вакиллари иштирок этишди. IFPRIнинг Осиё филиали директори Ашок Гулатининг хабар беришича, форумнинг асосий мақсади минтақа қишлоқ хўжалигида савдо-сотқ сибсатининг жорий аҳолини аниқлаштириш, аграрсоноат сектори тараққиётининг кейинги 3 йил учун ўлжалланган стратегияси ва унинг жаҳон бозорига интеграциялашувини кўриб чиқишдан иборат. Гулатининг таъкидлашича, кўша илмий-амалий дастурларда тўлдирувчи инвестицияларни амалга оширмоқ зарур. Бу Марказий Осиё мамлакатларига ўзининг бой қишлоқ хўжалик салоҳиятини амалга ошириш, бу мамлакатлардаги аҳолининг эса фаровонлик даражасини кўтаришга имкон яратяди.

Аловуддин ҒАФФОРОВ, «Туркистон-пресс».

СОҒЛИҚ УЧУН ФОЙДАЛИ

Тошкентдаги «Ғалла-Алтег» акционерлик жамиятида инсон саломатлиги учун муҳим микроэлементлар ва витаминлар билан тўйинтирилган дастлабки ун туркуми ишлаб чиқарилди. Бу билан мамлакатимизда Уни тўйинтириш миллий дастурини амалга ошириш ишлари бошланди. Янги ускунанинг ишга туширилишига бағишланган маросимда вазирилди, идора ва жамоат бирлашмалари раҳбарлари, Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этиди.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акционерлик компанияси ва БМТнинг ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси томонидан амалга оширилмоқда. Фойдали маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришга тайёрлик ишлари бир неча йил аввал, республикаимизнинг бешта вилоятида тажриба лойиҳаларини амалга ошириш билан бошланган эди. Ушбу маҳсулотни истеъмол қилиш 2008 йилга келиб, болалар ва хотин-қизлар касалланишини 20 фоизга камайтириш имконини беради. Энди миллий дастур доирасида керакли ускуналар билан жиҳозланган ва минтақамизнинг иқлим шароитлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган «КАП Комплекс» фортификанти билан таъминланган 48 та йирик комбинат тўйинтирилган ун ишлаб чиқаради. Беш йилга мўлжалланган ушбу дастурнинг умумий бюджети қарийб 6 миллион АҚШ долларини ташкил этади.



Республика Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А.Комилов Ўзбекистонда муқтазиланиннинг дастлабки кулдридан аҳоли саломатлиги тўғрисида гап-хўрлик қилиш давлат сибсати даражасига кўтарилиганини таъкидлади. Президент Ислам Каримов бу борада ёш авлод, оналик ва бола-

ликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Юртбошимизнинг ташаббуси билан қатор умумдавлат ва мақсадли дастурлар амалга оширилмапти. Уни тўйинтириш дастурини амалга ошириш эса ушбу йўналишда олиб борилаётган улкан ишларнинг мантйқий давомидир. Чунки, инсон, айниқса бола организмидида витамин ва минераллар етишмаслиги жиддий касалликларга сабаб бўлиши мумкин. Амалиёт шунини кўрсатадики, бу муаммонинг олдини олишда энг самарали ва тежамкор йўл кўп истеъмол қилинадиган ун ва бошқа маҳсулотларни ушбу моддалар билан тўйинтириш ҳисобланади.

«Ғалла-Алтег» акционерлик жамияти ишлаб чиқарган тўйинтирилган ун «Тошкентнон» уюшмаси корхоналарига жўнатилиб, у ердан пойтахтимиз дўконларига тарқатилди. А. ИВАНОВА, ЎЗА мухбири.

Конун ва ижро

ЭГРИЛИКНИНГ УМРИ ҚИСҚА

Мамлакатимизда аёллар соғлиги, оналик ва болаликни ҳимоялаш борасидаги ишларнинг кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлиги таъминоти билан бир қаторда, «Аёллар ва ўғил келаятган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир бўлими томонидан қонлар ОИТС таъшиқ кўйиш лабораториясига юборилмасдан, захм юзасидан текширилмасдан никоҳланувчиларга тиббий кўриқдан ўтганиларга тўғрисида маълумотномалар берилганини қандай боқолаш мумкин?

Тошкент вилояти прокуратураси вилоят соғлиқни сақлаш тизими ва ҳокимликларда қонун ва дастурлар ижросининг аҳолини текшириб чиқди. Эътироф этиш кераки, олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, умумтаълим мактаблари, маҳалларда тиббий тарғибот муайян даражада олиб борилаётган. Аҳолининг барча қатламлари, айниқса, хотин-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш бирмунча изчил су олдирилган. Бу жараёнда ҳомилдор аёлларнинг 65,7 фоизиди камқонлик касаллиги аниқланиб, уларни даволлаш ва соғломлаштириш учун доридардонларга 110 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Умуман, ўтган мuddат мобайнида 45,3 минг аёл соғломлаштирилди. Болалар ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш учун 77,3 минг бола кизамикка, 8,8 минг бола гепатитга, 8,3 минг бола шолга қарши эмланди. Бу муҳим тадбирни амалга ошириш учун 7,1 миллион сўм сарфланди. Шу билан бирга «Сихат-саломатлик йили» вилоят дастурининг бажарилишида жиддий камчиликлар содир бўлмоқда. Дастурда соғлом турмуш тарзи фалсафаси бўйича халқнинг, шарқнинг буюк мутафаккирлари маънавий меросини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг ом-

лашатирилиши белгиланган, лекин олиб борилаётган ишлар кўп ҳолларда юзаси ташкил этилаётди. Вилоят ҳокимининг 2003-2005 йилларда тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш хусусидаги қарори ҳам зарур даражада бажарилмаётди. Шу йилнинг 10 май ҳолатига еттига тез тиббий ёрдам бўлими таъмирланиб, бу ишларга 264,7 миллион сўм сарфланган. Лекин мукамал таъмирланиши режалаштирилган 57 та соғлиқни сақлаш муассасаси биносининг фақат 35 тасида ишлар якунланган. Аниқланиш шундаки, даволлаш-профилактика муассасаларида мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш мобайнида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйиб келинган. Чунончи, Қўйичиқ тумани марказий шифохонаси ва туғруқ мажмуи биноларини мукамал таъмирлаш юзасидан 98,9 миллион сўмлик шартномалар имзоланган. Шу йилнинг мартига бўлган саккиз ой мобайнида «Монолит» кичик кор-

бөөв, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Розиковлар бюджет маблағларининг талон-тороқ қилинишига йўл қўйганлар. Янги йўл шаҳридаги поликлиника, туғруқ мажмуи, териториал касалликларни диспансерини таъмирлаш мобайнида ҳам шундай талон-тороқликлар юз берди. Бош шифокор В. Абдуллаевнинг «енгли» кўли билан пудратчи — «Иристон» хусусий фирмасига саккиз ойда 104,5 миллион сўм ўтказиб берилган. Лекин биргина поликлиника ва туғруқ мажмуида бажарилган таъмирлаш ишларига 3,6 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари қўшиб ёзилган. Шу тарихи хусусий фирма раҳбари К. Паттаев билан бош шифокор В. Абдуллаевларнинг ўзаро тил бириктируви оқибатида бюджетга катта ҳажда зиён етказилган. Чиноз туманида марказий, Олмалик шаҳрида «Кимегар» шифохоналарини таъмирлаш жараёнида ҳам шундай қонун бузилиш ҳоллари юз берган. Албатта, бу ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди.

Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриқдан ўтказиш борасида ҳам сусткашликлар содир бўлаётди, ишлаб чиқилган тадбирлар тўла бажаланимапти. Никоҳланувчи шахсларни сил, психик, наркологи, таносил касалликлари, ОИВ, ОИТС юзасидан тиббий кўриқдан ўтказишда айрим шаҳар ва туманлар соғлиқни сақлаш муассасаларида қонунбузилишга йўл қўйилган. Чунончи, Қийрай тумани соғлиқни сақлаш бўлими томонидан қонлар ОИТС таъшиқ кўйиш лабораториясига юборилмасдан, захм юзасидан текширилмасдан никоҳланувчиларга тиббий кўриқдан ўтганиларга тўғрисида маълумотномалар берилганини қандай боқолаш мумкин?

Вилоятда айрим касалликларнинг ортиб бориши кузатилаётди. Лекин аҳоли ўртасида тиббий тарғибот, санитария-гигиена қоидаларига амал қилинишини таъминлаш устидан етарли иш олиб борилмапти. Баъзи ҳолларда ҳомилдор аёлларнинг соғлигини яхшилаш, уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Чирчиқ, Олмалик, Янги йўл шаҳарлари, Ўртачирчиқ, Қийрай, Чиноз, Қўйичиқ туманларини яхшилаш, шундай касалликлар аниқланган ўсимир қизларнинг эса, 40 фоизини даволанган, холос. Айниқса, Бўка туманида юз берган воека ниҳоятда ачинарли. Врач-терапевт, акушер-гинеколог ва патронаж ҳамширалар бепарволиги ва уквизининг туфайли ёшгина аёл ҳаётдан бевақт кўз юмди. Қўйичиқ туманида 19 ёшли ҳомилдор аёл ҳам даволлаш жараёнида шифокорлар томонидан йўл қўйилган хатоликлар туфайли вафот этиди. Шаҳар ва туманларнинг прокуратура идоралари соғлиқни сақлаш муассасалари-

да ўтказган текширишларда ҳам жиддий камчиликлар аниқланди. Жумладан, Тошкент туманида шифокорларнинг малякисини ошириш билан изчил шуғулланилмади. Гибс Умаров ва Нодир Боймухамедов номли шифокорлик пунктлари биринчи

муассасалари фаолиятида ҳам жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юз бериб келганлигини кўрсатди. Ангрэн шаҳридаги Янгиобод шифохонасида 2000 йилдан бун рухсатнома олмайдан, пуллиқ тиббий хизмат кўрсатиш билан шуғулланишган. Шу давр мобайнида 7,6 миллион сўм даромад олинган. Шаҳар прокурори ушбу ҳолат юзасидан бош шифокор Р. Шокринов ва бош бухгалтер Р. Рахматулинова нисбатан жиноят иши қўзғатди. Халқимиз шифокорларга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлади. Янгиланаётган жамиятимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, тиббий хизматни яхшилаш устувор йўналиш мақомига эга, давлатимиз, хомий ташкилотлар соҳани ривожлантириш вазифалари билан изчил шуғулланмоқдалар. Афсуски, салоҳиятли, ҳалол ва виждонли шифокорларимиз каторида айрим орсиз, эгри кўл шахслар учраб қолмоқда. Ташвишланарлиси шундаки, Гиппократ қасамини бузувчиларга чора кўриш, камчиликларни қатъият билан бартараф этишга ваколатли баъзи масул ходимлар ҳам ўз бурчиларини унутиб, гоҳида уларга ҳамтовоқ бўлиб қолмоқдалар. Бундай хатарли ҳолатларнинг олдини олиш пайти келди. Шунга эришиш керакики, эл соғлигини сақлаш, тиббий хизмат даражасини кўтаришга аҳрителиётган миллион-миллион сўм маблағлар аниқ мақсадларга хизмат қилсин. Қаҳрамон ИБРОҲИМОВ, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.

ДЎСТОБОДДА ЯНГИ СТАДИОН

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам ёш авлодни ҳар томонлама, айниқса, жисмонан бақувват қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Куйичирик туманида беш минг уринли стадион ва спорт зали катта маблағ эвазига қуриб ишга туширилди. Ҳозирги кунда эса тумандаги «Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги» ширкат ҳўжалигида спорт иншооти қайта таъмирланмоқда. Мазкур иншоот узок йиллар мобайнида маблағ етишмаслиги боис ташланган ҳолга келиб қолган эди. Ниҳоят вилоят «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармасидан 82 миллион сўм маблағ ажратилиб, замонавий спорт иншооти барпо этилди. Бинокор хусусий қурилиш фирмаси томонидан эса ушбу стадион замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Эндиликда бу ерда мамлакатимизнинг 14 йиллигига бағишланган спорт мусобақаларини ўтказиш имконияти бор. Шундай спорт байрамларидан бири яқинда қуриб фойдаланишга топширилган «Дўстобод» стадионида бўлиб ўтди. Бундай оммавий тадбирларда бевосита спорт билан шуғулланаётган ёшлар фаол иштирок этидилар. Рустам ҲАЙДАРОВ, «Туркистон-пресс».

БАРЧА ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 1 августдан электр энергия тўловлари учун истеъмолчи гуруҳлар бўйича қуйидаги янги тарифлар тасдиқланди (29.07.2005 йил 19-03-ЎЗР-2005 рақамли реестр).

- I гуруҳ. Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати 750 кВт ва ундан юқори.
 - Икки ставкали тариф:
 - Бир йилда 1 кВт энг юқори юклама учун тўлов — 60 000 сўм;
 - 1 кВт. соат истеъмол қилинган энергия учун тўлов — 28 сўм 20 тийин.
 - II гуруҳ. Саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, уланган қуввати 750 кВт гагача:
 - Бир ставкали тариф:
 - 1 кВт.с. учун — 34 сўм 60 тийин.
 - III гуруҳ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш истеъмолчилари, шу жумладан бюджетдан молиялаштириладиган насос станциялари:
 - 1 кВт.с. учун — 34 сўм 60 тийин.

- IV гуруҳ. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (элект тортки):
 - 1 кВт.с. учун — 34 сўм 60 тийин.
- V гуруҳ. Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлар, шаҳар кўчаларини ёритиш:
 - 1 кВт.с. учун — 34 сўм 60 тийин.
- VI гуруҳ. Савдо ташкилотлари, кафе, рестороанлар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари:
 - 1 кВт.с. учун — 36 сўм 50 тийин.
- VII гуруҳ. Аҳоли, аҳоли пунктлари:
 - 1 кВт.с. учун — 34 сўм 50 тийин.
- Электр плиталар билан жиҳозланган турар-жой аҳолиси:
 - 1 кВт.с. учун — 18 сўм 00 тийин.
- VIII гуруҳ. Иситиш, иссиқ сув билан таъ-

- минлаш ва совутиш (кондициялаш) эҳтиёжларига ишлатиладиган электр энергияси:
 - 1 кВт.с. учун — 34 сўм 60 тийин.
- IX гуруҳ. Реклама ва иллюминация:
 - 1 кВт.с. учун — 110 сўм 00 тийин.
- X гуруҳ. Энергетика тизимининг хўжалик эҳтиёжларига:
 - 1 кВт.с. учун — 34 сўм 60 тийин.
- Эслатма:
 1. Ушбу тарифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 364-сонли қарори асосида тасдиқланган.
 2. Ушбу тарифлар ККС билан ўрнатилган (аҳоли, аҳоли пунктлари, VII гуруҳдан ташқари).
 3. Ушбу тарифлар кучга кириши билан 2005 йил 1 апрелдан амал қилган тарифлар ўз кучини йўқотди.

ОЛИМ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Республика Киночилар уйда Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг «Ўзбектеlevision» студияси томонидан ишланган «Академик Эвард Ртвеладзе» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихини ҳолисона ўрганишнинг илмий асосларини шакллантириш, тадқиқотларни замонавий талаблар даражасига кўтариш, Ўзбекистон тарихи бўйича салохиятли, етук тарихчи кадрлар мактабини яратиш давлатимиз раҳбарининг долзарб эътиборида. Э.Ртвеладзе ана шундай хайрли ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаятган тарихчи олимларимиздан. Фильмда олимнинг қатор илмий экспедициялари, тадқиқотлари, хусусан, Кампиртепада олиб борган изланишлари ҳақида

атрофлича ҳикоя қилинади. Э.Ртвеладзе «Амир Темур – жаҳон тарихида», «Хива – минг гумбази шаҳар», «Асрлар қаъридан таралган зиё», «Жалололдин Мангуберди», «Термиз – буюқ йўллар чорраҳасидаги кўна ва навқирон шаҳар» каби китоблари, рисолалари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам маълумдир. Олимнинг изланишлари давлатимиз томонидан муносиб қадрланди. У Президентимиз Ислам Каримов Фармонида кўра «Буюқ хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

Ў.А.

«ЮРАГИМДА БОРИНИ АЙТДИМ...»

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида навоийлик ижодкор Менглибой Муродовнинг «Юрагимда борини айтдим...» китоби тақдими бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда адабиёт соҳасида қалам тебратётган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Менглибой Муродов республика «Маҳалла» газетасининг Навоий вилоятидаги мухбири бўлиши билан бирга шеърят соҳасида ҳам қалам тебратди. Унинг «Меҳр», «Хосиятли кун», «Дийдор» каби

тўпламлари чоп этилган. Тақдирот маросимиде сўзга чиққанлар М.Муродовнинг «Адолат» нашриётида чоп этилган янги китобидан жой олган Ватанга меҳр ва садоқат, чин инсоний туйғулар, ҳаёт мазмун-моҳияти ҳақидаги шеърлари, дoston ва қасидалари самимилиги ва ҳаётлиги билан эътиборни тортишини таъкидладилар.

Ў.А.



Мен ҳам ҳайдовчи бўламан. Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат-лавҳа.

Шундан кейин

КЎНГИЛ ТОРЛИГИ САБАБЛИ

Москва кўчаларидан бир-да автотранспорт бошқаруви билан иккитаси ўртасида чиққан низо, жанжал-лашаётганлардан бирининг ўлими билан туғди.

Енгил автомобиль ҳайдовчиси унга йўл бермаган юк машинаси ҳайдовчисини ўласи қилиб урди. Оқибатда 44 ёшли Александр Иванов бош қанғога ва миёна ҳаётлари туғайли дундан кўз юмди. Жаҳл чиқса, ақл қочади, деб шуни айтсалар керак.

ТРИБУНАЛ УЗРИ КЕРАК

Махсус трибуналда Садам Хусайни ҳимоя қилаётган адвокатлар жамоаси раҳбари суд жараёнига бойкот эълон қилиш ниятида эканлигини маълум қилди. Ҳимоячилар, уларнинг гапига қараганда, суд залида Садам Хусайнига ташланган одамни жавобгарликка тортишни, трибунал мазукур можаро учун расман уэр сўрашини талаб қилмоқдалар.

МУДҲИШ АНГЛАШИЛМОВЧИЛИК

Олти ойдан бери ўлим талвасидада ётган қаҳолқоннинг ота-онаси АКШ федерал ҳукумати судга берди.

Улар мурғак ўғилча кўргилликлариде Гавайядаги ҳарбий тиббий марказлардан бири ҳодимларини айблашмоқда. Шифокорлар қаҳолқон туғилган, 42 дақиқа мобайнида унга ксилород ўрнига адашиб карбонат ангидрид бериб туришган. Бунинг афлатилмовчилик ёки хато сифатида баҳолаб бўлармикан?

Абдулла ИСОМИДДИН.

ЎЗБЕК КУРАШИ ДУНЁ ЭЪТИРОФИДА

Икки ойдан буйн дунёнинг турли давлатларидан келаятган мухлислар «Миллий спорт боқий аънона» кўргазмаси орқали ўзбек курашининг кўп минг йиллик тарихи, фалсафаси ҳақида етарли маълумотларга эга бўлишмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққан Халқаро Олимпиада Кўмитаси Жак Рокке Ўзбекистон Кураш Халқаро ассоциацияси раҳбариятини Лозанодаги қароргоҳига расман тақдир қилиб, ўзбек спорти жаҳондаги юзга яқин давлатлар орасида жадаллик билан ривожланиб бораётганлигини, Кураш Халқаро ассоциацияси ҳам тўлиқ шаклланиб,

халқаро спорт ташкилотлари орасида ўз ўрни ва маънавиятига эга бўлаётганлигини таъкидлади. Урашувда ўзбек курашининг Марказий Осиё ўйинлари, Осиё ўйинлари ҳамда Панамерика ўйинлари дастурига киритилганлигини, шунингдек, Олимпиада сари яқинлашаётганлик белгисидир деяр эътироф этди.

«Туркистон-пресс».

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОВРИНДОР

Украинанинг Севастополь шаҳрида бокс бўйича «Қора денгиз кубогини» учун ташкил этилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари – Афина Олимпиадаси совриндори Баҳодир Султонов ҳамда Осиё чемпиони Бехзод Хидиров олтин медални кўлга киритди.

Махмудов ҳамда Олим Назарова бронза медални наҳиб этди.

Зоҳир ТОШХЎҲАЕВ, Ў.А. мухбири.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

«Қамолот» ёшлар иқтимоий ҳаракати виллоят бўлими кенгаши, виллоят хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамоаси виллоят филиали ташаббуси билан баскетбол ва волейбол бўйича ўтказилаётган маҳаллалараро «Қамолот кубогини» республика турнирининг виллоят боққичи нҳоясига етди.

Мазкур турнирнинг мақсад ёғи таътил даврида кўвчи ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни спорт мусобақалирига янада кенг-роқ жалб этишдан иборат.

Турнирнинг Паркент туманидаги «Бойқозон» спорт мажмуасида бўлиб ўтган виллоят боққичида ҳудудий боққичларда ғалаба қозонган саккиз жамоа иштирок этди. Яқуний натижаларга кўра,

Л. СУВОНОВ, Ў.А. мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент виллояти Бош бошқармаси ахбороти

Тижорат банкларида юридик ва жисмоний шахсларга кредит, нақд пул ҳамда аҳоли омонатларини уларнинг биринчи талабига кўра беришда таъмагирлик ва порахўрлик, шунингдек, қорхона ва ташкилотларда иш ҳақидан асоссиз ушлаб қолишлар каби ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида бошқармада ташкил этилган

144-73-28, 144-63-86, 144-73-25 рақамли «Ишонч телефонларига» хабар беришингизни сўраймиз.

Ҳўжалик субъектлари ва тадбиркорлик фаолиятига сунъий тўсиқ бўлаётган, банк тизимига бўлган ишонгча путур етказаятган тижорат банкларининг нопоқ мансабдор шахслари қонунчиликда белгиланган тартибда эғаллаб турган лавозимидан озод этилиб, жинойи жавобгарликка тортиладилар.

— Агар мен Отелло бўлганимда жами хотинларни бўйи ўлдирардим, — дедим тишларимни гижирлатиб. — Ха, ҳа, ном-нишон қолдирмасдим!

— Хой, жаллод, хотинлар арпангизни хом ўрдими, Чингизхондан ҳам ўтиб кетдингиз-ку. Хўш, улар сизга нима ёмонлик қилди? — илжайиб сўради Пошшоҳон. — Уйда «мингир-мингир», кўчада «висир-висир», ишхонада «миш-миш... Пошшоҳон кўлогимни беозор буради: — «Миш-миш-ни эшитадиган шалпанг қулқони бурш керак! — Барибир, ҳаммангнни ракетлага жойлаб, осмонга учирвориш керак! — Хо-о, шунчаки? — деди Пошшоҳон икки кўлини белига тираб. — Кани, айтгин-чи, ҳамма хотин-қизларни осмонга учирворсангиз, боғча болаларига ким қарайди, мактабда болаларни ким ўқитади, касалхонада беморларни ким даволайди, хўжайнларга ким котибалик қилади, пахтаи ким теради, ким ипак курти боқади, ким дўппи тикади? Ошқонда товоқ-қошиққа ким қарайди, касадда ким пул тўлайди, тўйларда ким ялчачилик қилади, касал бўлганимизда белингизни ким уқалайди? Ким? — Бизлар ўз-ўзига хизмат қилишга ўтамиз, — дедим бўйинимни қашиб. — Хотин-қизларни учирворсангиз келинни қайдан топамиз, ўглингизни фариштага улантирасизми? — Хозир фан-техника тараққий этган, робот келин топилиб қолар. — Ўглингизга робот хотин олиб берисангиз, келин робот ўғил туғиб берса, уйингизни темир-тераск босиб кетади-ку?!

— Зарари йўқ, уйимиз МТС бўлади, невараларга Болтавой, Тешавой, Уроқ-

бей деган исм қўямиз. — Дарвоқе, мени осмонга учирворсангиз совчиликка ким боради? — Сен борсан, тўй ўтгандан кейин ўзим яна осмонга учирвораман. — Осмонга учирвораман деб, ҳавонингиз чиқиб кетмасин... — Менда атом станциясининг кучи бор, ҳаммангнни осмонга чиқарвораман.

БЕКАЛИЗНИНГ АМРИ ВОЖИБ (Ҳажвия)

Пошшоҳон ҳовучида сув олиб, юзимга сепди. — Менга қаранг, сизни қанақа жин қалди, бир ҳафтадан бери хотинларнинг гўрига гиш қалайсиз? — Қундан-қунга уларнинг бети очилиб кетаяпти, ёнингдан салом бермай, бақрайиб ўтиб кетишади. Биттасига «хой, уятсиз, очик замон бўлди деб ҳаммаёғингни очворасани», десам, «табиат берган гўзаллики нега беки-таман, ахир, гулли қоргоза ўраб юр-майдилар» деб жилганглаб ўтиб кетди. — Уйимизга телефон ўрнатиб берган Азизахон ҳам ёмони? — Ну, чидаса бўлади. — Чеғирвой ўғлимизни операция қилиб, ўлимдан олиб қолган Халима-хонни ҳам осмонга учирворасизми? — Ўша томонларда операция қила-

веради. — Бир сафар йўл ҳаракати қоидасини бузганингиз учун ДАН ҳодимидан правангизни олиб берганим эсингиз-дами? — Правамни олиб берганингиз рост, аммо ҳуқуқимни олиб қўйганингиз ҳам ёлгон эмас. Энди сенлар билан ўйлаш-броқ галлашиб керак экан.

Пошшоҳон сирли илжайди. — Кўзингизни каттароқ очинг, яқинда аёлларнинг ногорасига ўйнайдиган бўлиб қоласиз. Бу галларнинг маъносини кейинроқ тушундир. Пошшоҳон хусусий қорхона очди. Мени ўзига шахсий шофёр, шахсий экспедитор, шахсий дастёр, юк ташувчи қилиб олди. Пешонами қий-қача билан боғлаб, ёлиб-юғуриб хизмат қила бошладим. Бир кун терлаб-пишиб юкларни тушираётган эдим, Пошшоҳон ёнимга келиб илжайди. — Мана энди аввалиг керилишларингизни ташлаб, мумин-қобил бўлиб қолдингиз, шофёр Тошматов! — Лаббай, бегим оям!

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Ўзбекистон', 'Ассалом, Ўзбекистон!', 'Ахборот', 'Сув ости тадқиқотлари', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Бегона', 'Тажир', 'Ёшлар', 'Мунаввар тонг', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Жаҳон спортини «Сикер»', 'Махобҳорат', 'Шанба, 6', etc.

Table with 2 columns: Time and Program Name. Includes programs like 'Ҳабарлар', 'Болалар спорти', 'Футбол', 'Самарқанд-Д', etc.

Advertisement for the Central Bank of Uzbekistan, Tashkent branch, providing contact information and services.

Advertisement for 'Тошкент ҳақиқати' newspaper, mentioning subscription rates and contact details.

Advertisement for 'Муассис: Тошкент виллояти ҳоқимлиги' (Investor: Tashkent region administration).

Advertisement for 'Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.' (Address: 700000, Tashkent city, Matbutochilar street, 32).

Advertisement for 'Тошкент виллояти ҳоқимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида' (In the press and information department of the Tashkent region administration).

Advertisement for 'Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда делларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.' (Advertisers and publishers are responsible for the accuracy of facts and cases in advertisements and announcements).